ЎРТА ОСИЁ ЛАГЕРИДАГИ МАҲБУСЛАРНИНГ СУРГУН ҚИЛИНИШИГА ДОИР

А.Ахунов, Ш.Сайдалиева

Мақолада янги топилган архив материаллари асосида Ўзбекистондан қатағон қилинганларни Ўрта Осиё лагеридан совет империясининг бошқа ҳудудларидаги лагерларга кўчириш жараёни ёритилган.

***Калит сўзлар**: репрессия, лагерь, маҳбус, қулоқ, сургун, норозилик чиқишлари.*

В статье на основе новых архивных документов прослеживается процесс переселения заключенных в СазЛАГ репрессированных граждан Узбекистана в другие лагеря Советской империи.

***Ключевые слова**: репрессия, лагерь, заключенный, кулак, ссылка, акция протеста.*

On the basis of recentlydiscovered historical materials the article observes the processes of exile and repression of prisoners from Central Asian camps to other regions of Soviet Empire.

***Key words**: repression camp prisoner, fist link, protest.*

Президентимиз И.Каримовнинг яқинда нашрдан чиққан “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир” номли янги китобининг “Ким эдигу ким бўлдик? Эртага ким бўлишимиз, қандай янги марраларни эгаллашимиз керак” бобида бугунги тараққиётнинг туб моҳиятига етиб бориш учун кечаги тарихимиз билан бугунги фаровон ҳаётимизни қиёслаб, таққослаб кўриш зарурлигига алоҳида эътибор берилган. “... 30-йилларда,- деб ёзади И.А.Каримов,- қулоқлаштириш сиёсати олиб борилиб, минг-минглаб одамларнинг молу мулки,

уй-жойлари тортиб олинган, ўзлари эса узоқ ва совуқ ўлкаларга сургун қилинган, бу тузумдан норози бўлган одамларнинг болаларига “халқ душманининг фарзанди” деган тамға босилган. Умуман, совет тузуми ва мафкураси миллионлаб одамларни майиб қилган, уларнинг тақдирида аянчли из қолдирган. Уларнинг қанча-қанчаси адолатни, ёруғ кунларни кўрмасдан бу дунёдан ўтиб кетган” [3.122]. Чиндан ҳам ўша сиёсий кампанияда қишлоқ аҳолиси, деҳқонлар асоссиз қулоққа тортилиб, турар жойи, мол-мулки, ишлаб чиқариш воситалари тортиб олиниб, узоқ ва бегона юртлардаги концлагерларга сургун қилинганлар. 30-йиллар бошида Ўзбекистондан қулоқлар сифатида минглаб қишлоқ заҳматкашлари Шимолий Қозоғистонга, Украинага, Шимолий Кавказга, Россиянинг қатор ўлкаларига сургун қилинган. Мазкур масала истиқлол йилларида тадқиқотчилар томонидан маълум даражада ўрганилди, моногрофик тадқиқотлар [12,11,13,10], номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди [1,4,2], кўплаб илмий мақолалар эълон қилинди.

Ушбу мақолада янги архив ҳужжатлари асосида қулоққа тортилиб Тошкентдаги Ўрта Осиё концлагерида азоб-уқубат тортган юртдошларнинг қамоқ жазосини ўташ учун ана шу концлагерларга этап қилиниши ҳақида сўз юритилади.

Коллективлаштириш ва қулоқлаштиришда жуда катта хатоликлар, нуқсонлар юз берган, қонун ва йўриқномаларга амал қилмаслик, масаланинг туб моҳиятига етиб бормаслик каби негатив ҳолатлар содир бўлган. Деҳқонларни асоссиз қулоққа тортиш, уларнинг мол-мулкини тортиб олиш амалиёти кенг қўлланган. Бунга акс-садо сифатида қишлоқ ва шаҳар аҳолисининг норозилик чиқишлари, ҳатто қўзғолонлари бўлиб ўтган. Фақат 30-йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон бўйича 78 та қуролли ғалаён, 184 та террорчилик ҳаракатлари юз берган. 1930 йилнинг 25 февралидан 17 мартигача бўлган даврда Ўзбекистонда 155 та оммавий сиёсий чиқишлар бўлиб, уларда 33 873 киши қатнашган [11.154]. Паралелл равишда шаҳар аҳолиси, айниқса, кустар ҳунармандларнинг ҳам норозилик харакатлари бўлиб, қулоқлаштириш амалиёти уларнинг ҳам туб ҳаётий эҳтиёжларига кучли зарба етказгани архив хужжатларида ўз аксини топган. 1930 йил 1 июндаги маълумотга кўра, Ўрта Осиё бўйича ОГПУ қамоқхоналарида 2192 киши тергов бераётгани, улар орасида аксилинқилобий фаолият олиб борган, оммавий чиқишларда, советларга қарши тарғибот ва ташвиқотда, террорда қатнашганлардан 415 бой, 142 ўртаҳол, 66 камбағал, 32 савдогар, 31 руҳоний, 5 собиқ босмачи, 97 хизматчи, 35 собиқ амир амалдорлари, 8 ишчи, 6 кустар ҳунарманд, 2 ўқувчи, 5 ҳарбий хизматчи, 16 аниқ машғулоти бўлмаган, 10 та аниқланмаган шахслар борлиги қайд этилган [7.306].

Куч ишлатиш органлари шаҳарликларни ҳам асоссиз равишда қулоққа тортиш билан шуғулланган. Шу боис шаҳарлардаги ишсизлар, ҳунарманд ва косиблар, фабрика ва заводлардаги ишчиларнинг ҳам норозилик чиқишлари юз берган.

ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакиллиги ахборот бўлими бошлиғи Круковский ва шу бўлим ёрдамчиси Алининг Москвага йўллаган маълумотларида шаҳардаги ишчи ва ишсизларнинг ўта ачинарли аҳволи, тузумга қарши норозилик қарашлари ва ҳаракатлари Самарқанддаги 66-сонли пахта заводидаги эроний ишчилар, Марғилон Ипак комбинати фабрикасидаги ишчилар, Бухоро округи ипак комбинати фабрикасидаги 536 ишчи, Андижон 6-ёғ заводи ишчилари, Тошкент округидаги “Кустпромсоюз”га қарашли “Қизилкўл” кўнчилар артели аъзоларининг норозилик чиқишлари мисолида кўрсатилган [5].

Шундай ўткир ижтимоий-сиёсий вазиятда советларнинг куч ишлатиш органлари томонидан меҳнаткаш аҳолига нисбатан, айниқса, колхозлаштиришга қарши турган кишиларни ҳибсга олиш, қамоқхоналарга ташлаш амалиёти кенг тус олган. Натижада ГПУ, милиция тасарруфидаги сиёсий маҳбуслар уйлари маҳбуслар билан тўлиб тошган. Тошкентдаги Ўрта Осиё лагерида ўрта осиёлик ва СССРнинг турли минтақаларидан этап йўли билан келтирилган маҳбуслар миқдори ҳаддан ташқари ортиб кетган. Маҳбусларни сақлаш, уларни озиқ-овқат, турар-жой билан таъминлаш фавқулодда қийинлашган. Шу боис маҳбусларнинг бир қисмини ГУЛАГ тизимидаги бошқа лагерларга юборишга мажбур бўлинган.

Ўрта Осиё меҳнат-тузатув лагери ва колонияси (бундан кейин СазЛАГ) 1930 йилда Тошкентда ташкил бўлган. СазЛАГ 1935 йил 8 февралгача ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакиллигига, ОГПУ ГУЛАГига қараган, кейин, 1937 йил 21 октябрдан СССР Ички ишлар халқ комиссарлиги ГУЛАГига, сўнг Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссарлиги меҳнат-тузатув лагери ва колонияси (УИТЛК)га қараган. СазЛАГнинг манзили: ЎзССР, Тошкент шаҳри, 248 (10) почта қутиси, 123/124 (11) почта қутиси бўлган.

Лагер меҳнат фаолияти пахтачиликда, пахта заводларида, корхоналарда, мелиоратив ишларда, ширпотреб ишлаб чиқаришида, Орол денгизи сув транспортида юк юклаш, юк тушириш билан шуғулланишдан иборат бўлган. 1932 йилда 17723 маҳбусдан 6500 нафари қишлоқ хўжалигида,

7000 нафари ширпотреб товарлар ишлаб чиқаришда банд бўлган [6.399-400].

СазЛАГ совхозларида пахта биринчи бор 1932 йили экилган. 1934 йилда 3320 тонна пахта териб олинган. СазЛАГдаги маҳбуслар контингенти 1930 йилда 2660, 1931 йилда 11700, 1933 йилда 18386, 1934 йилда 20494; 1935 йилда 25831, 1936 йилда 26308, 1937 йилда 26805, 1938 йилда 33936, 1938 йил октябрида 36601 маҳбусдан иборат бўлган. Шундан маълумки, СазЛАГдаги маҳбуслар миқдори 1937-1938 йиллардаги "Катта террор"да кўпайиб кетган. Сиёсий қатағон қилинганларнинг маълум қисми айнан СазЛАГда маҳбуслик азоб-уқубатини тортган [9.188].

СазЛАГдан Россиянинг Сибирь, Узоқ Шарқ, Шимол ўлкаларига, ҳатто Марказий Россия ҳудудларидаги лагерларга маҳбуслар этап қилинган. Биргина 1933 йил 9 мартдаги учлик йиғилишида СазЛАГдан 106 нафар маҳбус ГУЛАГнинг бошқа лагерларига этап билан сургун қилинган. Улардан фақат 40 нафари ҳақидаги маълумотларни келтирамиз:

1. Содиқов Абдусамад – 40 ёшда, Халқ судининг 122-участкаси ЎзССР ЖК 262-моддаси билан 3 йилга озодликдан маҳрум этган, жазони СазЛАГ марказий изолятор бўлимида ўтаган, Ўрта Осиёдан 3 йилга сургун қилинган, муддат 1933 йил 1 январдан ҳисобланган.

2. Турсунов Мираҳмад – 27 ёшда Халқ судининг 125-участкаси ЎзССР ЖК 80-моддасиги 3-банди билан 3 йилга озодликдан маҳрум этган, жазони СазЛАГ марказий изолятор бўлимида ўтаган, Ўрта Осиёдан 3 йилга сургун қилинган, муддати 1932 йил 24 сентябрдан ҳисобланган.

3. Қўчақов Жумабой – 36 ёшда, Халқ судининг 126-участкаси ЎзССР ЖК 80-модда 3-банди билан 3 йилга озодликдан маҳрум этган, жазони СазЛАГ марказий изолятор бўлимида ўтаган, Ўрта Осиёдан 3 йилга сургун қилинган, муддати 1932 йил 14 ноябрдан ҳисобланган.

4. Очилов Пўлат – 40 ёшда, Халқ судининг 125-участкаси ЎзССР ЖК 80-модда 3-банди билан 3 йилга озодликдан маҳрум этган, жазони СазЛАГ марказий изолятор бўлимида ўтаган, Ўрта Осиёдан 3 йилга сургун қилинган, муддати 1932 йил 10 ноябрдан ҳисобланган.

5. Зарипов Абдураҳим – 40 ёшда, Халқ судининг 123-участкаси ЎзССР ЖК 168-моддаси ва 80-модданинг 3-банди билан 9 йилга озодликдан маҳрум этган, жазони СазЛАГ марказий изолятор бўлимида ўтаган, Ўрта Осиёдан 3 йилга сургун қилинган, муддати 1931 йил 10 сентябрдан ҳисобланган.

6. Пошшоев Олим – 36 ёшда, Халқ судининг 126-участкаси ЎзССР ЖК 80-модда 3-банди билан 3 йилга озодликдан маҳрум этган, жазони СазЛАГ Марказий изолятор бўлимида ўтаган, Ўрта Осиёдан 3 йилга сургун қилинган, муддати 1932 йил 28 февралдан ҳисобланган.

7. Саидов Жўра – 38 ёшда, ЎзССР Олий суди 78-модда билан 8 йилга озодликдан маҳрум этган, жазони СазЛАГ Марказий изолятор бўлимида ўтаган, ОГПУнинг область бўлими Чувашистонга этап билан 3 йилга сургун қилган, муддати 1931 йил 2 октябрдан ҳисобланган.

8. Тоҳиров Раззоқ – 43 ёшда, Халқ судининг 125-участкаси ЎзССР ЖК 80-модда 3-банди билан 3 йилга озодликдан маҳрум этган, жазони СазЛАГ Марказий изолятор бўлимида ўтаган, Ўрта Осиёдан 3 йилга сургун қилинган, муддати 1932 йил 19 сентябрдан ҳисобланган.

9. Бўриев Холиқул – 47 ёшда, Халқ судининг 126-участкаси ЎзССР ЖК 80-модда 3-банди билан 3 йилга озодликдан маҳрум этган, жазони СазЛАГ Марказий изолятор бўлимида ўтаган, Ўрта Осиёдан 3 йилга сургун қилинган, муддати 1932 йил 15 сентябрдан ҳисобланган.

10. Суюнов Бадал – 30 ёшда, Халқ судининг 123-участкаси ЎзССР ЖК 13 168-моддаси билан 3 йилга озодликдан маҳрум этган, жазони СазЛАГ Марказий изолятор бўлимида ўтаган, Ўрта Осиёдан 3 йилга сургун қилинган, муддати 1932 йил 22 июндан ҳисобланган.

11. Тўрабоев Абдулазиз – 50 ёшда, Халқ судининг 123-участкаси ЎзССР ЖК 80-модда 3-банди ва 168-моддаси билан 3 йилга озодликдан маҳрум этган, жазони СазЛАГ Марказий изолятор бўлимида ўтаган, Ўрта Осиёдан 3 йилга сургун қилинган, муддати 1932 йил 4 январдан ҳисобланган.

12. Раҳмонов Исмоил – 24 ёшда, Халқ судининг 125-участкаси ЎзССР ЖК 80-модда 3-банди билан 3 йилга озодликдан маҳрум этган, жазони СазЛАГ Марказий изолятор бўлимида ўтаган, Ўрта Осиёдан 3 йилга сургун қилинган, муддати 1932 йил 13 ноябрдан ҳисобланган.

13. Рўзиев Жўра – 47 ёшда, Халқ судининг 122-участкаси ЎзССР ЖК 80-модда 3-банди билан 3 йилга озодликдан маҳрум этган, жазони СазЛАГ Марказий изолятор бўлимида ўтаган, Ўрта Осиёдан 3 йилга сургун қилинган, ҳукм 1933 йил 1 январдан ҳисобланган.

14. Имомов Рўзиқул – 34 ёшда, ЎзССР Олий суди 13/78-модда билан 8 йилга озодликдан маҳрум этган, жазони СазЛАГ Марказий изолятор бўлимида ўтаган, Ўрта Осиёдан 3 йилга, ОГПУнинг область бўлими томонидан Чувашистонга, этап билан 3 йилга сургун қилинган, ҳукм 1931 йил 5 июндан ҳисобланган.

15. Раҳматуллаев Боқи – 18 ёшда, Халқ судининг 123-участкаси ЎзССР ЖК 279-моддаси билан 5 йилга озодликдан маҳрум этган, жазони СазЛАГ Марказий изолятор бўлимида ўтаган, Ўрта Осиёдан 3 йилга, ОГПУнинг область бўлими томонидан Чувашистонга этап билан 3 йилга сургун қилинган, ҳукм 1932 йил 14 майдан ҳисобланган.

16. Хўжаназаров Комил –38 ёшда, Халқ судининг 123-участкаси ЎзССР ЖК 80-модда 3-банди билан 3 йилга озодликдан маҳрум этган, жазони СазЛАГ Марказий изолятор бўлимида ўтаган, Ўрта Осиёдан 3 йилга сургун қилинган, ҳукм 1931 йил 19 декабрдан ҳисобланган.

17. Қурбонов Мели – 25 ёшда, ЎзССР Олий суди 13/78-модда билан 8 йилга озодликдан маҳрум этган, жазони СазЛАГ Марказий изолятор бўлимида ўтаган, Ўрта Осиёдан 3 йилга, ОГПУнинг область бўлими томонидан Чувашистонга этап билан 3 йилга сургун қилинган, ҳукм 1931 йил 5 июндан ҳисобланган.

18. Рўзиқулов Қурбон – 20 ёшда, ЎзССР Олий суди 78-модда билан 8 йил озодликдан маҳрум этган, жазони СазЛАГ Марказий изолятор бўлимида ўтаган, Ўрта Осиёдан 3 йилга, ОГПУнинг область бўлими томонидан Чувашистонга этап билан 3 йилга сургун қилинган, ҳукм 1931 йил 2 октябрдан ҳисобланган.

19. Абдуллаев Турсун – 50 ёшда, Халқ судининг 126-участкаси ЎзССР ЖК 80-модда 3-банди билан 3 йилга озодликдан маҳрум этган, жазони СазЛАГ Марказий изолятор бўлимида ўтаган, Ўрта Осиёдан 3 йилга сургун қилинган, ҳукм 1931 йил 27 ноябрдан ҳисобланган.

20. Турумбет Наби – 31 ёшда, Халқ судининг 122-участкаси 226-модда билан 3 йилга озодликдан маҳрум этган, жазони СазЛАГ Марказий изолятор бўлимида ўтаган, Ўрта Осиёдан 3 йилга сургун қилинган, ҳукм 1932 йил 17 декабрдан ҳисобланган.

21. Бобомурод Боборажаб – 30 ёшда, Халқ судининг 123-участкаси ЎзССР ЖК 80-модда 3-банди билан 3 йилга озодликдан маҳрум этган, жазони СазЛАГ Марказий изолятор бўлимида ўтаган, Ўрта Осиёдан 3 йилга сургун қилинган, ҳукм 1932 йил 20 ноябрдан ҳисобланган.

22. Худойбердиев Эгамберди – 45 ёшда, Халқ суди 123-участкаси ЎзССР ЖК 80-модда 3-банди билан 3 йилга озодликдан маҳрум этган, жазони СазЛАГ Марказий изолятор бўлимида ўтаган, Ўрта Осиёдан 3 йилга сургун қилинган, ҳукм 1932 йил 1 мартдан ҳисобланган.

23. Остонқулов Бердимурод – 38 ёшда, Халқ судининг 122-участкаси ЎзССР ЖК 80-модда 3-банди билан 3 йилга озодликдан маҳрум этган, жазони СазЛАГ Марказий изолятор бўлимида ўтаган, Ўрта Осиёдан 3 йилга сургун қилинган, ҳукм 1932 йил 19 декабрдан ҳисобланган.

24. Тоғаев Хазратқул – 22 ёшда, Халқ судининг 124-участкаси ЎзССР ЖК 80-модда 3-банди билан 3 йилга озодликдан маҳрум этган, жазони СазЛАГ Марказий изолятор бўлимида ўтаган, Ўрта Осиёдан 3 йилга сургун қилинган, ҳукм 1932 йил 1 декабрдан ҳисобланган.

25. Туралиев Тўра –19 ёшда, Халқ судининг 126-участкаси ЎзССР ЖК 80-модда 3-банди билан 3 йилга озодликдан маҳрум этган, жазони СазЛАГ Марказий изолятор бўлимида ўтаган, Ўрта Осиёдан 3 йилга сургун қилинган, ҳукм 1931 йил 14 сентябрдан ҳисобланган.

26. Босқороев Жўрабой – 32 ёшда, Халқ судининг 122-участкаси 226-модда билан 3 йилга озодликдан маҳрум этган, жазони СазЛАГ Марказий изолятор бўлимида ўтаган, Ўрта Осиёдан 3 йилга сургун қилинган, ҳукм 1932 йил 30 ноябрдан ҳисобланган.

27. Бозоров Эргаш – 40 ёшда, Халқ судининг 126-участкаси ЎзССР ЖК 106-моддаси билан 3 йилга озодликдан маҳрум этган, жазони СазЛАГ Марказий изолятор бўлимида ўтаган, Ўрта Осиёдан 3 йилга сургун қилинган, ҳукм 1932 йил 22 сентябрдан ҳисобланган.

28. Бобоёров Абдумурод – 36 ёшда, Халқ судининг 125-участкаси ЎзССР ЖК 80-модда 3-банди билан 3 йилга озодликдан маҳрум этган, жазони СазЛАГ Марказий изолятор бўлимида ўтаган, Ўрта Осиёдан 3 йилга сургун қилинган, ҳукм 1932 йил 11 мартдан ҳисобланган.

29. Бобомуродов Худойқул – 42 ёшда, Халқ судининг 123-участкаси ЎзССР ЖК 80-модда 3-банди билан 3 йилга озодликдан маҳрум этган, жазони СазЛАГ Марказий изолятор бўлимида ўтаган, Ўрта Осиёдан 3 йилга сургун қилинган, ҳукм 1932 йил 29 мартдан ҳисобланган.

30. Мелиев Холбой– 46 ёшда, Халқ судининг 126-участкаси ЎзССР ЖК 80-модда 3-банди билан 3 йилга озодликдан маҳрум этган, жазони СазЛАГ Марказий изолятор бўлимида ўтаган, Ўрта Осиёдан 3 йилга сургун қилинган, ҳукм 1932 йил 18 сентябрдан ҳисобланган.

31. Нормуминов Жўра – 44 ёшда, Халқ судининг 123-участкаси ЎзССР ЖК 80-модда 3-банди билан 3 йилга озодликдан маҳрум этган, жазони СазЛАГ Марказий изолятор бўлимида ўтаган, Ўрта Осиёдан 3 йилга сургун қилинган, ҳукм 1931 йил 23 декабрдан ҳисобланган.

32. Носиров Саиджон – 45 ёшда, Халқ судининг 125-участкаси ЎзССР ЖК 125-моддаси ва 148-модда 1-банди билан 3 йилга озодликдан маҳрум этган, жазони СазЛАГ Марказий изолятор

бўлимида ўтаган, Ўрта Осиёдан 3 йилга сургун қилинган, ҳукм 1932 йил 19 октябрдан ҳисобланган.

33. Раимов Нуриддин – 21 ёшда, ЎзССР ЖК 166-модда 3-банди билан 3 йилга озодликдан маҳрум этилган, жазони СазЛАГ Марказий изолятор бўлимида ўтаган, Ўрта Осиёдан 3 йилга сургун қилинган, ҳукм 1932 йил 28 мартдан ҳисобланган.

34. Юсупов Домин – 34 ёшда, Халқ судининг 122-участкаси ЎзССР ЖК 144-моддаси ва 80-модда 3-банди билан 3 йилга озодликдан маҳрум этган, жазони СазЛАГ Марказий изолятор бўлимида ўтаган, Ўрта Осиёдан 3 йилга сургун қилинган, ҳукм 1932 йил 26 сентябрдан ҳисобланган.

35. Бердиев Хуррам – 49 ёшда, Халқ судининг 126-участкаси ЎзССР ЖК 80-модда 3-банди билан 3 йилга озодликдан маҳрум этган, жазони СазЛАГ Марказий изолятор бўлимида ўтаган, Ўрта Осиёдан 3 йилга сургун қилинган, ҳукм 1932 йил 29 майдан ҳисобланган.

36. Юсупов Хамаз – 50 ёшда, Халқ судининг 126-участкаси ЎзССР ЖК 106-моддаси билан 3 йилга озодликдан маҳрум этган, жазони СазЛАГ Марказий изолятор бўлимида ўтаган, Ўрта Осиёдан 3 йилга сургун қилинган, ҳукм 1932 йил 21 сентябрдан ҳисобланган.

37. Эгамбердиев Жўра – 38 ёшда, Халқ судининг 126-участкаси ЎзССР ЖК 80-модда 3-банди билан 3 йилга озодликдан маҳрум этган, жазони СазЛАГ Марказий изолятор бўлимида ўтаган, Ўрта Осиёдан 3 йилга сургун қилинган, ҳукм 1932 йил 26 августдан ҳисобланган.

38. Авлиёқулов Қурбон – 25 ёшда, ЎзССР Олий суди ЖК 78-модда 2-банди билан 10 йилга озодликдан маҳрум этган, жазони СазЛАГ Марказий изолятор бўлимида ўтаган, ОГПУнинг область бўлими томонидан Чувашистонга этап билан 3 йилга сургун қилинган, ҳукм 1931 йил 23 апрелдан ҳисобланган.

39. Раҳмонов Қўшчи – 35 ёшда, Халқ судининг 123-участкаси ЎзССР ЖК 80-модда 3-банди билан 3 йилга озодликдан маҳрум этган, жазони СазЛАГ Марказий изолятор бўлимида ўтаган, Ўрта Осиёдан 3 йилга сургун қилинган, ҳукм 1932 йил 6 апрелдан ҳисобланган.

40. Бобомуродов Воҳид – 36 ёшда, Халқ судининг 125-участкаси ЎзССР ЖК 80-модда 3-банди билан 3 йилга озодликдан маҳрум этган, жазони СазЛАГ Марказий изолятор бўлимида ўтаган, Ўрта Осиёдан 3 йилга сургун қилинган, ҳукм 1932 йил 8 сентябрдан ҳисобланган.

Бу маҳбуслар мислсиз оғир ҳаёт кечирганлар. Улар “социалистик зарбдор” қурилишларда, каналлар, ГЭСлар, заводлар ва гигант саноат объектлари, темир йўл қурилишларида, ўрмонзорларда, турли конлар очилишида мислсиз меҳнат қилганлар. Улардан советлар “социалистик иқтисодиёт”-ни барпо этишда арзон, текин ишчи кучи сифатида усталик, муғомбирлик билан фойдаланганлар. Социализмнинг гигант бунёдкорлик ишларида ўша маҳбусларнинг ўрни ва роли ниҳоятда катта бўлган. Буни халқимиз ҳеч қачон унутмаслиги ва улар ҳақидаги хотирани муқаддас билмоғи лозимдир.

Адабиётлар:

1.Абдуллаев М.Ғ. Ўзбекистонда советларнинг “қулоқ” қилиш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари (1929-1945 йиллар). Тарих фан. номз. ... дисс. автореферати.– Т., 2002. – 32 б.

2.Акбарова М.Л. Ўрта Осиёдан Қозоғистонга сургун қилинган қулоқлар, уларнинг ҳаёти ва тақдири. (1929-1956 йиллар).Тарих фан. номз. ... дисс. автореферати.- Т., 2010.- 32 б.

3.Каримов Ислом. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир.- Т.: Ўзбекистон, 2015.- 304 б.

4.Мамажонов А. Коллективлаштириш жараёнида Ўзбекистон қишлоқларидан Шимолий Кавказга сургун қилинганлар. Тарих фан. номз. ... дисс. автореферати. – Андижон, 2005. – 28 б.

5.Россия ижтимоий-сиёсий ташкилотлар тарихи архиви (РИСТТА) – Российский Государственный архив социально-политической истории (РГАСПИ) 62-фонд, 2-рўйхат, 1808-иш, 33-40-варақлар; 1809-иш, 14-28 в.

6.Система исправительно-трудовых лагерей в СССР. 1923-1960. Справочник.- М.: Звенъя, 1988.- 600 с.

7. Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. 1918-1939. Документы и материалы в 4-х томах. Т/ 3, кн/ 1/- М,: РОСПЭН, 2003.- 840 с.

8. Среднеазиатский кишлак в годы Большого террора. Документы и материалы. Состав: Р.Т. Шамсутдинов, Э.Ю. Юсупов, С.Хошимов, Э.П.Дусматов. – Андижан, 2007.- 500 с.

9. Шамсутдинов Р. Маҳбус юртдошлар қисмати. // Тарихнинг ҳасратли саҳифалари. – Т.: Шарқ, 2006.- 304 с.

10.Шамсутдинов Р., Акбарова М. Шимолий Қозоғистон сургунидаги юртдошлар қисмати.- Т.: Шарқ, 2009.- 244 б.

11. Шамсутдинов Р. Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун (Ўрта Осиё республикалари мисолида).- Т.: Шарқ, 2003.- 544 б.

12. Шамсутдинов Р. Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари.- Т.: Шарқ, 2001.- 368 б.

13. Шамсутдинов Р., Мамажонов А. Шимолий Кавказ сургунидаги юртдошлар қисмати.- Т.: Шарқ, 2005.- 336 б.

Андижон давлат университети,
Тошкент архитектура-қурилиш институти,
2015 йил 6 сентябрда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. С.Хошимов)